

ГРАФИКА САНЬЯТИ РИВОЖИДА ЎЗБЕКИСТОН  
КИТОБ ГРАФИКАСИ УСТАЛАРИНИНГ РОЛИ



Акром Баҳромов

Катта ўқитувчи, Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ

Тасвирий санъат факультети

Миниатюра ва китоб графикаси кафедраси

**Аннотация:** Мақолада муаллиф, дастгоҳли ва китоб графикасида ўз ижодлари ила Ўзбекистон графика санъатини ривожлантиришига яратган асарлари билан салмоқли ҳиссаларини қўшган рассомлар Кутлуг Башаровнинг таваллуд топган кунига 100 йиллик, ҳамда Искандар Воҳидовнинг таваллуд топган кунини 85 йиллигига багишлаб, устозлари ҳақида ўз фикрларини баён қилган. Улар яхши педагоглар ҳам бўлишганини алоҳида таъкидлайди.

**Калим сўзлар:** Кутлуг Башаров, Искандар Воҳидов, дастгоҳли графика, китоб графикаси, босмахона, нашриёт, ижод, композиция, гравюра, устоз-шоғирд.

**Аннотация:** Автор посвятил свою статью 100-летию творческой деятельности Кутлуга Башарова и 85-летию творческой деятельности Искандара Вахидова, внесших своими произведениями в станковой и книжной графике значительный вклад в развитие графического искусства Узбекистана, и высказал свое мнение о художниках.

**Ключевые слова:** Кутлуг Башаров, Искандар Воҳидов, станковая графика, книжная графика, типография, издательство, творчество, композиция, гравюра.

**Abstract:** The author dedicated their article to the 100th anniversary of the creative activity of Kutlug Basharov and the 85th anniversary of the creative activity of Iskandar Vakhidov, who have made significant contributions to the development of graphic art in Uzbekistan through their works in easel and book graphics. The author also expressed opinions about the artists.

**Key words:** Kutlug Basharov, Iskandar Vakhidov, easel graphics, book graphics, printing house, publishing house, creativity, composition, engraving.



Бу йил Кутлуг Башаровнинг таваллуд топган кунига 100 йил тўлади.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. ЎзБА академиги. ТТРИ профессори. Қатор орден ва медаллар соҳиби.

Кутлуг Башаров 1925 й. Олма-Ота шахрида туғилган. 1956 й. – РРБЮ ни тамомлаган. 1965 й. йилдан ЎзР Рассомлар уюшмаси аъзоси. 1970 й. – «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони. 1975 й. – «Ўзбекистон халқ



## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

рассоми» унвони. 1976 й. – ТТРИни тамомлаган. 1980 й. – «Ҳамза номидаги Давлат муко-фоти» лауреати. 1985 й. – ТТРИ доценти, профессори. 1988 й. – «Дўстлик» ордени. 1994 й. – «Шуҳрат» медали. 1997 й. – ЎзБА академиги. 1999 й. – «Эл-юрт хурмати» ордени. 2004 й. – Тошкентда вафот этди.

Сизларга маълумки 1917 йилдан то 1991 йилгача, СССРда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, социалистик тузум ва мафкура хукм сурди. Сурганда ҳам жуда шавқатсизларча хукм сурди. Қайси ижодкор “социалистик реализм”ни, жорий тузумни “куйламаса” уларга ҳеч қаерда йўл берилмас, китоблари чоп этилмас эди. Ижодкор бошига эса қора қунлар келиши аниқ эди, жадид боболарга ўхшаб. Шунинг учун ўқувчидан, ўша даврда яшаган ва ижод қилган бизнинг мақоламиз қаҳрамонлари асарларини ҳам ғоявий томонларига эътибор бермаган холда, факат профессионал нуқтаи назардан, маҳорат ва графикага қўшган салмоқли ҳиссалари ҳақида бир оз хотирласак. Фъел-автор жиҳатидан экспрессив бўлган Қутлуғ Башаров, асарларида ҳам шиддат, кураш, ўткир контрастлар бўлишини севарди. Йирик силуэтларни, асиметрик композицияларни ишонч билан кўп қўлларди. У кишини қўйида келадиган гаплари бунга яққол далилдир.



*“Отларни жуда яхши кўраман. Болалиқдан чавандоз бўлишни орзу қилар эдим, шунинг учун отларнинг суратини натурадан чизардим”*

Жасур ва мардоновар инсонлар шиддатли ҳаракат лаҳзаларини тасвиirlаш менга кўпроқ ҳузур баҳшида этади. «От чавгони» ва «Рўмол олиш» картиналарида чавандозлар ҳаракати ҳамда отлар гўзаллигини кўрсатишга ҳаракат қилганман.

Серҳаракат образларда бугунги кун реаллиги - тарих билан куч-кудрат, миллий рух улуғворлиги ҳақидаги миллий фольклор тушунчалари орқали уйғунлашиб кетган”<sup>27</sup>.

1978 йил К. Башаров томонидан Б. Бойқобуловнинг “Учрашув ва айрилик” китобига, 1979 йил “Нурли карвон”, 1980 йилда “Алишер Навоийнинг ёшлиги”

*китобига ва яна бир қатор китобларга муқова ва иллюстрациялар яратилган.*

“Башаров ижоди ўзбек графикасида унинг анъанавий шакллари ва услубий техникаси ўзгариб бораётган, турли хил эстампларнинг янги образли асосда

<sup>27</sup> Ижодимиз ҳақида гапирсак.

## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

тикланиши бошланган даврда, китоб санъатида эса дизайн воситалари ва матбаа базасининг янгиланиши содир бўлган даврга тўғри келди. Бу йилларда китобнинг ўзига хос архитектура қонуниятларига эга бўлган тўлиқ бадий организм бўлиши масаласи китоб нашрида биринчи ўринга чиқди. Айнан Башаров бу муаммоларни биринчилардан бўлиб ўзининг амалий фаолиятида ечишга ҳаракат қилган”<sup>28</sup>.

Ўзбекистоннинг таникли китоб графиги Искандар Икромов ёш мусаввирнинг истеъдодини пайқаб, унга китоблардан бирини лойиҳалашни таклиф қилди. К.



3-Расм. Абу Али ибн Си  
1975 й. линогравюра



4-Расм. Абу Райхон Беруни  
1972 й. линогравюра,  
70x90 см.



5-Расм. Сут соғувчи. 1973 й.  
литография



6-Расм. Соҳибкор. 1973 й.  
литография

Башаров бу вазифани муносиб уddyалади. Орадан уч йил ўтиб К. Башаров Рассомлар уюшмасига аъзо бўлди. Уни яна бир севимли гапи бор эди.

“Рассом шундай дерди: “Мен энг аввало кучли одамларни, шиддатли кураш лаҳзаларини, кучларнинг энг юқори кучланишини тасвирлашни яхши кўраман”<sup>29</sup>.

Ижодкор ҳар бир сюжетга мос тарзда атроф-муҳит ва буюмлардан оқилона фойдаланиб тасвирлаши асар таъсир кучини оширган ҳолатда, томошабин-нинг онгига, руҳий ҳолатига, эстетик завқланишга олиб келади. Ҳа, албатта бунда рангларнинг инсон руҳиятига таъсир кучи катта ўрин тутади. Бундай руҳиятни фақат юксак дидли, юксак маҳорат эгасигина қалбдан ҳис қилиб, ҳар қандай тасвирни санъат даражасига олиб чиқа олади. Ўша даврда


санъат олдига қўйилган асосий вазифаларидан бири “мехнаткаш “ образларини яратиш эди. Рассом бу борада ҳам туркум ишлар яратади. Боғбон, чўпон, сут соғувчи, ипакчи, пахта терувчи образлари пайдо бўлади.

<sup>28</sup> Сергей Немцович. “Санъат журнали”. 01/04/2005


<sup>29</sup> Сергей Немцович. “Санъат журнали”. 01/04/2005

## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS


Миришкор боғбон Ризамат ота чехраси тасвирланган тошбосма асарида ҳам ишкомларда ғарқ пишган шода-шода узумларни кўришингиз билан, гап нима ҳақида кетаётганини дархол сезасиз. Асосий қаҳрамон ва уни ўраб турган дунё,



7 - Расм. Ш. Рашидов." Кашми<sup>ри</sup> қүшиғи".1977 й. қ. темпера.  
иллюстрация



8 - Расм. Ш. Рашидов." Кашми<sup>ри</sup> қүшиғи".1977 й. қ. темпера.  
иллюстрация



9- Расм. "Нодирабегим боғдатова". 1977 й. қ. темпера.  
иллюстрация

яратган нарсаси, хаёт мазмуни.

Қ. Башаровнинг ишлари образ ва сюжетларининг ўзига хос яхлитлиги, аниқ ва тиниклиги, ортиқча унсурларнинг йўқлиги билан қадрлидир.

Қ. Башаров ижодида 1977 йиллардан бошлаб китоб графикасига ҳам қизиқиш кучайиб, бир қатор қизиқарли китоблар безатилганини кўриш мумкин. Мукона ва иллюстрациялар акварель, темпера техникаларида ижро этилди. Бунга шоирлар Б. Бойқобилов ва Ш. Рашидовни қатор асарларини мисол келтирса бўлади. Бу асарларда образнинг мураккаблашиб борганини, кўп қиррали, кўп қатламли образларга эътибор қаратилганлиги яққол сезилади.

Уста дастгоҳли ва китоб графикасини ҳамма мавзуларида, жанрларида, техникаларида ва ҳар хил ечимда ижод қилганлигига шоҳид бўлиш мумкин.

“Башаров турли ижодий қизиқишларга эга бўлган кўп қиррали ва

кенг қамровли рассом эди”<sup>30</sup>, деган эди санъатшунос С. Немцович

Қ. Башаровнинг асарлари собиқ СССР Бадиий Академиясининг кумуш медаллари, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларида олтин ва кумуш медаллар билан,



<sup>30</sup> Сергей Немцович. “Санъат журнали”. 01/04/2005



**MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS**

шунингдек халқаро китоб санъати конкурсарининг кўплаб дипломлари билан тақдирланган. Қ. Башаров ўзбек классик адабиёти ва эпосларига яратган иллюстрациялари ва график дастгоҳли асарлари билан Ўзбекистоннинг санъати ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшган.

**Бу йил график рассом Искандар Воҳидовнинг таваллуд топган кунига 85 йил тўлади.**

***И. Воҳидовни биз ажойиб китоб безовчи рассом***

10-Расм. М. Шеверди  
“Бонг”. 1974 й.  
қ. литография  
иллюстрация



11-Расм. М. Шевердин. “Бо”  
1974 й.  
қ. литография  
иллюстрация



12-Расм. М. Шевердин.  
“Бонг”. 1974 й.  
қ. литография  
иллюстрация

*сифатида ҳам биламиз. Унинг иллюстрация-ларида ўз замони, давр нафаси сезилиб туради.*

Графикачи. 1940 йили Туркманистон ССРнинг Тошовуз шаҳрида туғилган. 1968 йилда П. Беньков номидаги Тошкент республика бадиий билим юртини, 1974 йилда эса А. Н. Островский номидаги Тошкент Театр санъати ва рассомлик институтини тугаллаган. 1971 йилдан буён «Ўзбекистон» ҳамда «Ёш гвардия» нашриётлари билан ҳамкорлик қиласи. 1974 - 2000 йиллари ТТРИда ўқитувчи. 1975 йилдан ЎзРУ / БИУ аъзоси. 1991 - Шахсий кургазма (50 йил). 2000 — Шахсий кўргазма. (2000). ЎзБА Кумуш медали. У халқаро, Бутуниттифоқ, шунингдек, республика китоб графикаси кўргазмалари қатнашчisi, 1975 йилдан СССР Рассомлар Союзи аъзоси.“Рассом бой ҳаётӣ, ижодий тажрибага, чуқур билимга эга бўлиши керак. Бадиий ҳақиқат қонуни бўйича ҳаётӣ қўринишларни ўзгартирадиган, ҳаёт моҳиятини таҳлил ва синтез қилиш асносида ашёларнинг ташқи қўринишини тасвирлаб берадиган мутафаккир бўлиши зарур. Бадиий ижод жараёни атроф мухитни ўрганишдан бошланади. Негаки кўз қараш билангина моҳиятни англаб бўлмайди, уни ҳис

## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

қилиш лозим”<sup>31</sup>. “Табиатнинг ўзи синтезлашни ўргатади ва бутун назар тушган нарсаларнинг моҳиятини очади. Табиатнинг ўзи ўз қирраларини намоён этади, тириклик манбай эканлиги эслатиб туради. Буни фақат сезиш керак. Мана шу эзгу-ниятларга таяниб, ўзимнинг «Чилонзор кўринишлари» мавзусидаги туркум асарларимни яратдим” дейди муаллиф.

Рассом китоб графикасида миллий анъаналарни ўзига хос ижодий услубда акс эттира олганлиги билан дикқатга сазовор. Иллюстрациялар рангли литографюра ва акварель техникасида ишланган. И. Воҳидов китоб графикаси йўналишида ўта фаол ва ўзига талабчан ижодкор бўлган. Ёзувчилар ва шоирлар Э. Самандарнинг, “Ж. Мангуберди”, “Баҳор оқшомлари”, И. Норбоевнинг “Тоғ ҳикоялари”, . И. Жабборовнинг “Антик маданият ва маънавият хазинаси”, Э. Воҳидовнинг болалар учун ёзган “Қумрисқалар жанги”, ёзувчи И. Раҳимнинг “Ернинг чарчоғи”, Ё. Шукуровнинг “Қалб қаноти”, С. Қодировнинг “Одамдан яхши ном қолсин”, Я. Қурбоннинг “Омонёр”, Абдураззоқнинг “Хўплам- тўплам”, О. Хожиевнинг “Орзу гули”, ёзувчи П. Шермуҳамедовнинг орол фожиасига бағишлиб ёзган “Сен ёнмасанг, мен ёнмасам”, Р. Азизхўжаевнинг “Баҳор саховати”, Ш. Сиддиқовнинг “Олим бўлсанг, Олам сеники”, М. Абдусаматовнинг “Азиз болалар”, В. Распутиннинг “Ёнгин”, А. Мухторнинг болалар учун ёзган “Юлдузчалар”, Н. Гелдиевнинг “Ўжар қизча”, Н. Нарзуллаевнинг “Ёғду”, У. Темур, С. Воҳиднинг “Қорбобонинг истаги”, И. Муслимнинг “Ойхон ва Райхон”, Л. Маҳмудовнинг “Эски дуторнинг сирлари”, Қ. Ўтаевнинг “Чинор ансамбли”, Т. Йўлдошнинг “Ўсмилик ўйлари”, О. Шокирнинг “Ширинақ байрами”, М. Мансуров-нинг “Мардона умр”, Д. Дефонинг “Робизон Круzonинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари”, Ҳ. Ёқубовнинг “Биз ҳам ишчи бўламиз”, А. Хожининг “Ўғлимга мактуб”, Р. Толибнинг “Эшитмадим деманглар”, А. Кўчимовнинг “Икки баҳор”номли болалар учун ёзилган китобларнинг муқовалири-ю, ички иллюстрацияларини рассом катта маҳорат билан муваффақиятли бажарган.

И. Воҳидов 1975 йилдан Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг аъзоси, У кўплаб республика ва хорижий кўргазмаларда иштирок этиб келган. Масалан, у 1978 Финландия ва Италияда кўргазмада, 1982 йили Польша кўргазмасида, 1983 йилларда Францияда, Германияда, Англияда кўргазмаларда иштирок этган. 1984 йили эса Венгрияда, Германияда, АҚШнинг Сан- франциско шаҳрида ташкил этилган кўргазмаларда қатнашган.

Шунингдек, 1991 йили 60 йиллик юбилей шахсий кўргазмасини ўтказган. 2000 йили рассомнинг фаол ижодий фаолияти хисобга олиниб, Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали билан, ва 1995 йили камтарин

<sup>31</sup> Ижодимиз ҳақида гапирсак.



## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS


рассомнинг 65 ёшлик юбилей шахсий кўргазмаси муносабати билан Бадиий академиянинг олтин медали билан мукофотланган.

50-60 йиллардан кейин Бутун Иттифоқда (СССРда) санъат, жумладан графика санъати жуда катта суръатларда ривожланди. Бизни юртда ҳам графика устахона базалари очилди. Ҳар қаердан, кўпроқ Россиядан келган рассомлар билан бир каторда маҳаллий рассомлар ҳам ижод қила бошлади. Натижада бу ўз мевасини бериб Ўзбекистон тасвирий санъати юқори погоналарга кўтарилиди. Лекин ачинарлиси ҳозирги ахвол аввалгидек яхши эмас. Ҳозир графиканинг литография, линогравюра, офорт, ксилография услубларида ишланган асарлар кўргазмаларда деярли йўқолиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Буни объектив ва субектив сабаблари бор. Қисман менталитет билан боғлиқ сабаблар, графика савдоси, унга паст назар билан қараш (Европада ҳатто рангтасвирдан юқорироқ қўйишади), бадиий уюшма қошида аввал бўлган устахона базасини йўқотилганлиги, бадиий раҳбарият ичida ҳақиқий графикларни йўқлиги ва бошқа сабаблар графикани ҳозирги ноchor ахволга олиб келди.

К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг китоб графикаси талабалариiga шу ноёб санъат турларидан сабоқ берилиши, келажакда графиканинг мазкур классик техникаларини сақлаб қолинишига эзгу умидни уйғотади. Бу яхши албатта.

2004 йили таниқли график рассом Ўзбекистон халқ рассоми Медат Кагаров ва акварелчи рассом Марат Содиқолар И. Воҳидов ҳақида унинг ижодига берган характеристикаларида уни “Буюк, ва ажойиб нозик қалбли лирик асарлар устаси,” деб, атаган. Шу сўзларининг давомида уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига тавсия қилганлар. Рассомнинг кўплаб асарлари Республикаиздаги Тошкент давлат санъат музейида, Ангрен, Бухоро, Урганч, Қўқондаги ва хорижий мамлекатлар музейларидаги ва хусусий коллекцияларда сақланади.

Рассом “Шарқ тароналари”халқаро мусиқа фестивал рамзини Турсунали Қўзиев билан ҳамкорликда яратган. Имом ал-Мотрудийнинг 1130 йиллигига бағишлиланган нишонлар муаллифи бўлган. И. Воҳидов 1991 йили Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кумуш медали билан, 2007 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.



14-Расм. Манзара.1991 й.  
қ. акварель

**MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS**

И. Воҳидов Ўзбекистонда етук ва танилган графикачи, уста рассом сифатида катта маҳоратга эришган ижодкор эканлигини у томонидан яратилган кўплаб график асарлар, китоб безакларидан ҳам хис қилиш мумкин.

Тарихга бир оз қайтиб устозларимни хотирламоқчиман.

1978-1984 йиллари Тошкент Театр ва рассомчилик институтида, графика йўналишида таҳсил олардим. 1983-1984 ўқув йили бошларида биз талабаларга диплом раҳбарини ва уни ёрдамчисини танишитиришди. Ёрдамчи ўзимиз таниган композиция ўқитувчимиз Искандар aka Воҳидов эдилар. Диплом раҳбари бўлмиш Қутлуг aka Башаровни аввал эшитиб юрган бўлсамда, кўрмаган эдим. Ўзларига ишонган, дадил гапирадиган инсон эканлар. Ижодлари билан яқиндан танишиб, самиймий муомалани сезиб хурматимиз янада ошди, албатта. Диплом устида бир йил ишладик ҳаммамиз. Диплом яхши чиқди. Яхши баҳо олдим. Иккала устоз биргаликда олийгоҳда анча йил ишлашди, шогирдлар чиқаришди. Институтдан кейин ҳам Уюшмада (Союзда) бир-бир учрашиб турдик. Искандар aka Воҳидовни хали ҳам йўқлаб турамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки бу икки дарғани меҳнатлари тасвирий санъатимизга салмоқли улуш бўлиб қўшилади, ёш авлодга эса ўрнак олишга арзирли ижодий умр йўлини кўрсатади.

Нафақадаги устоз Искандар Воҳидовга фақат мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Устоз Қутлуг Башаров руҳига атаб чиройли тиловатлар қиласиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. X. Караматов ва муаллифлар жамоаси нашри. Ўзбекистон санъати(1991-2001йиллар.)2001.Тошкент “Шарқ”нашриёти – матбаа Аксиядорлик кампанияси Бош таҳририяти.графика.53-60бет.

2. *Ижодимиз ҳақида гапирсак. (Художники о своем творчестве)*  
32-33, 40-41 бетлар

3. Сергей Немцович. Инсонларга хизмат қилган истеъдод  
Санъат • 01/04/2005 • №2 • 1278-сон
4. Н.Абдуллаев.Ўзбекистон санъати тарихи.2009.Тошкент.
5. А.Ҳакимов. Ўзбекистон санъати. 2018. Тошкент.
6. Рафаэл Тоқтош. San’at. Искандар Воҳидов. (графикачи рассом ва акварелчи). 2010й. 3 - сон. 20-21 бет.
7. Ж. Сайдалиева.”Ҳарорат”.Совет Ўзбекистони санъати”. 1989.4-сон.13-б.учун.